СССР Олий Кенгаш Президиумининг Ахборотномаси палатаси
Ю. ... 1984
Давлат ... ва ... УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 216 (18.992). • Пайшанба, 20 сентябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

„Оқ олтин" хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,14	14,80	—	—
Андижон	1,66	12,47	0,01	0,02
Бухоро	1,40	10,88	0,03	0,08
Сурхондарё	1,18	8,54	0,17	0,24
Навоий	1,12	8,50	—	—
Наманган	1,31	7,96	0,03	0,05
Қашқадарё	0,69	5,73	—	—
Самарқанд	0,99	5,08	—	—
Хоразм	0,84	3,38	0,01	0,01
Тошкент	0,71	3,36	0,21	0,36
ҚҚАССР	0,49	2,66	—	—
Сирдарё	0,21	1,02	—	—
Жиззах	0,10	0,51	—	—
Республика бўйича:	1,04	6,94	0,03	0,06
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Наманган	1,48	10,12	—	—
Сурхондарё	1,20	9,37	—	—
Навоий	1,14	5,75	—	—
Бухоро	1,05	5,32	—	—
Қашқадарё	0,44	2,18	—	—
Республика бўйича:	0,96	6,79	—	—

Дефолиация қандай бормоқда?

Республика областларида ғўза дефолиациясининг борыши тўғрисида шу йил 19 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	3,8	117,8
Жиззах	5,2	93,8
Сирдарё	7,4	78,6
ҚҚАССР	11,5	68,2
Андижон	5,2	54,0
Сурхондарё	3,8	47,8
Бухоро	5,4	40,4
Наманган	5,2	35,2
Хоразм	8,7	35,0
Самарқанд	5,3	21,2
Навоий	8,0	20,9
Фарғона	1,2	14,0
Қашқадарё	2,5	12,2
Республика бўйича:	5,3	52,0

ЮКСАК МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

18 сентябрь куни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Флоракисга Ленин орденини топширди.

Ўртоқ К. У. Черненко юксак мукофотни топшириш чоғида нутқ сўзлаб, қуйидагиларни айтди:

Азиз ўртоқ Флоракис!

Зиммамга юкланган ёқимли вазифани чуқур мамнуният туйғуси билан ado этаман. Сизга — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, Греция қаҳрамон Коммунистик партиясининг синалган раҳбари ва грек халқининг содиқ фарзандига ҳар бир коммунист учун азиз бўлган мукофотни — Ленин орденини топширишга ижозат бергайсиз.

Сиз катта революцион хизматларингиз учун, империализм ва реакцияга қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт йўлидаги фидокорона курашингиз учун, шунингдек Греция билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлигингиз учун ҳамда туғилган кунингизга етмиш йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлдингиз.

Сиз суронли синфий жангларда чиниққан, уруш йилларининг олов-оташларидан ўтган грек революционерларининг шонли авлодига мансубсиз.

Сиз ва ўртоқларингиз реакцион маъмурларнинг қувғинларига бардош бердингиз. Сиз халқ озодлиги учун мардонавор жанг қилдингиз, ўз партиянгизнинг шон-шарафини қаттиқ туриб ҳимоя қилиб, марксизм-ленинизм, пролетар интернационализми байроғига содиқ бўлиб қолдингиз.

Бугунги кунда Сиз — Греция коммунистларининг муносиб раҳбарисиз. Сиз ўз мамлакатингиз меҳнаткашларининг адолатли ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатлари учун, чинакам демократик ички ва ташқи сиёсат учун олиб бораётган курашнинг олдинги сафида бормоқдасиз. Чинакам демократик ички ва ташқи сиёсат грек халқининг миллий манфаатларига мос бўлиб тушади.

Империализм агрессив доираларининг айби билан ҳозир дунёдаги вазият хатарли даражада кескинлашиб кетди.

Шундай бир шароитда Грециянинг тинчликсевар ташқи сиёсати, унинг қўшни давлатлар билан, шу жумладан Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликка интилаётганлиги жаҳон ядро уруши хавфига қарши курашнинг салмоқли омилларидан бири бўлиб қолмоқда.

Биз бу сиёсатни қадрлаймиз ва мамлакатнинг илғор демократик кучлари шу сиёсатни шакллантиришда қандай роль ўйнаётганликларини биламиз.

Ўртоқ Флоракис, Сизнинг оташин ватанпарварлигингиз, тинчлик, ўз ватанингиз озодлиги ва мустақиллиги ишига астойдил содиқлигингиз грек халқи ўртасида Сизга муносиб шуҳрат келтирди. Сиз бошқа кўпгина мамлакатлардаги тинчлик ва тараққиёт тарафдорларининг ҳурматига сазовордирсиз.

Қатъий коммунистик эътиқод, улуғ марксизм-ленинизм таълимотини ижодий қўлланиш маҳорати ва бу таълимотни бузиш йўлидаги барча уринишларга муросасизлик Сизни юксак обрўэътиборга шу билан бирга, айтишим мумкинки, партиядаги ўртоқларингизнинг самимий иззат-ҳурмати ва меҳр-муҳаббатига сазовор қилди.

Мен Грецияда бўлганимда грек коммунистларининг ўз Марказий Комитети Бош секретарига нисбатан шундай ҳис-туйғуларни изҳор этаётганликларига ишонч ҳосил қилган эдим.

Биз, Совет Иттифоқи коммунистлари учун эса Сиз маслакдош ва сафдошгина бўлиб қолмай, шу билан бирга мамлакатимизнинг чин ва ишончли дўсти ҳамдирсиз.

Сиз партияларимиз ўртасидаги қардошларча муносабатларни ривожлантиришга, Греция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона ҳамкорликни кучайтиришга катта ҳисса қўшмоқдасиз.

Ўртоқ Флоракис, Сизни етмиш ёшга тўлишингиз ва Ленин ордени билан мукофотланганлигингиз билан сидқидилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Биз ҳаммамиз Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва грек халқи фаровонлиги йўлида, тинчлик, демократия ва социализм ғоялари тантанаси йўлида самарали ишлашингизни астойдил тилаймиз.

Ўртоқ Х. Флоракис жавоб нутқида ўз фаолиятига шу қадар юксак баҳо берилганлиги учун КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва шахсан ўртоқ К. У. Черненкога самимий миннатдорчилик изҳор этди. У мана шу юксак ва фахрли мукофот Греция Коммунистик партияси курашининг эътироф этилишини билдиради, КПСС билан Греция Компартияси ўртасидаги мустаҳкам алоқаларни ифода этади, деб таъкидлади.

Бу мукофот, деди ўртоқ Х. Флоракис, миллий мустақиллик, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда шахсан менинг зиммамга ва бутун партиямиз зиммасига яна ҳам кўпроқ масъулият юклайди.

Империалистлар, деб таъкидлади у, дунёдаги вазиятни хатарли даражада кескинлаштириб юбормоқдалар, Дунёни Америка империализми ва гумашталарининг даъволаридан ҳимоя қилиш йўлидаги курашни авж олдириш ниҳоятда зарур масаладир.

Мана шу умуминсоний вазифани бажаришда улуғ Совет Иттифоқи биринчи сафларда бормоқда.

Ҳар бир соғлом фикрловчи киши, у қандай мафкуравий позицияда турганлигидан қатъи назар, Совет Иттифоқининг тинчликсевар таклифларини бутун инсоният учун бирдан бир чора деб билмоқда. Бунинг устига Совет Иттифоқининг ялпи тинчлик ишига қўшаётган мана шу белгиловчи ҳиссаси гап-сўзлар билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Бу ҳисса амалий ишларда ўз ифодасини топмоқда ҳамда совет экономикаси ва жамиятидан талайгина маҳрумликлар талаб этмоқда. Ҳеч қандай антисоветизм бу ҳақиқатни ёришига ва бизнинг Совет Иттифоқи билан ҳамда бошқа социализм мамлакатлари билан бирдам бўлишимизга халақит беришга қодир эмас.

Биз Ленин партиясига, меҳнаткаш совет кишисига иззат-ҳурматимизни изҳор этамиз. Меҳнаткаш совет кишисининг иши ва меҳнати, ватанпарварлиги ва юксак интернационализми у тинчлик ишига қўшаётган чинакам ҳиссанинг қудратли пойдеворидир.

Биз ленинизмни ҳимоя қилиш ҳар бир коммунистнинг асосий бурчи деб ҳисоблаймиз. Греция Коммунистик партияси мамлакатимизнинг Совет Иттифоқи билан барча соҳаларда алоқалари ривожлантирилишини ёқлаб чиқмоқда. Биз буни халқлар бахт-саодати учун, регионда тинчликни таъминлаш учун жуда қимматли омил деб биламиз.

Ўртоқ К. У. Черненко, грек халқи Сизнинг Совет Иттифоқи Болқон ярим оролида ядросиз зона вужудга келтириш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайди, деган баёнотингизни мамнуният билан кутиб олди.

Пировардида ўртоқ Х. Флоракис Греция Компартияси Марказий Комитети номидан ўртоқ К. У. Черненкога социалистик жамиятни янада такомиллаштириш ва халқаро тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда яна ҳам кўпроқ муваффақиятларга эришишни тилаб билдирган қизғин истакларни топширди.

Мукофотни топшириш маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвили, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, шунингдек, Греция Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси К. Цолакис ва Греция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси К. Гацос ҳозир бўлдилар. Улар Х. Флоракисни мукофот билан қизғин ва самимий муборакбод этдилар.

(ТАСС).



Мукофотни топшириш пайти.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ИЛҒОРЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

ПЛАН—5 ОКТЯБРГА!

Колхозимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг қутлуғ 60 йиллиги нишонланадиган бу йилда ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар қабул қилган ҳолда астойдил ишламоқдалар. Ҳар гектар ердан 40 центнердан, жами 2940 тонна «оқ олтин» етиштириш пахтакорларимизнинг бу йилги кураш ва зафар маррасига айланган.

КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини қизғин кутиб олган деҳқонларимиз бу йил қатъий интизом ва уюшқоқлик кўрсатмоқдалар.

Деҳқонлар учун жиддий синов—пахта йиғим-теримига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида йиллик планнинг 10,77 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини биринчи бўлиб қўлга киритдик. Бундан руҳланган заршуносларимиз кейинги кунларда терим суръатини янада ошириб, кунига йиллик планнинг 2,5 — 3 процента миқдорида пахта тайёрлашга эришмоқдалар.

Колхозимизнинг илғор бригадалари ва кўпмингкилограммчи теримчилари қўлга киритаётган натижалар айниқса қувончлидир. **45—50 центнерчилик ҳаракатига қўшилган Абдумухтор Юсупов, Шавкатбек Мирзаабдуллаев, Умарали Рўзиматов бошлиқ бригадаларнинг азамат пахтакорлари ҳар куни 4 процентдан ошириб «оқ олтин» тайёрламоқдалар. Хўжалигимизда кўпмингкилограммчилик ҳаракати авж олдириб юборилди. 125 нафар теримчи мавсумда хирмонга 8—10 тоннадан, 47 нафари 10—15 тоннадан пахта тўкиш учун бел боғлади.**

Пахтакорларимизнинг шу кеча-кундуздаги

ОЛТИНКЎЛ РАЙОНИДАГИ «ТОШКЕНТ» КОЛХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛ ҲОСИЛИНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА НЕСТ-НОБУД ҚИЛМАЙ ИЙҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

аъло кайфияти, ғайрат-шижоати ва уюшқоқлиги хирмонимизнинг ҳар галгидан тез қад кўтаришидан далолат бериб турибди. Шу боисдан ҳам биз умумхалқ ҳашарида ялли сафарбарлик эълон қилиб, йиғим-теримни янада жадаллаштириш юзасидан қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқдик:

Ҳар куни далаларимизда 1500 нафар теримчи ишлайди. Улар ёрдамида кунига 3,4—4 процент миқдорида пахта тайёрлашга эришамиз. Бутун куч ва имкониятларни ишга солиб, сентябрнинг тўртинчи беш кунлигида 20 процент, бешинчи беш кунлигида 22, олтинчи беш кунлигида 21 процент ва октябрнинг биринчи беш кунлигида 15 процент пахта тайёрлаймиз ва халқ хўжалик планини шараф билан бажарамиз.

Бу йил ҳосил миқдоридан ташқари тола сифатига алоҳида эътибор берилади. Бу эса асосан теримчиларга боғлиқ. Шундай экан уларга ғамхўрлик ва талабчанлик янада кучайтирилади. Теримчиларнинг ҳар бир пайкалга тартиб билан тушиб пахта териши диққат эътиборимизда туради. Ҳосилнинг ҳом терилишига, чаноғига қолдирилишига, ифлослантирилишига асло йўл қўйилмайди.

Машина терими — иш унуми дейди халқимиз. Ана шунга амал қилган деҳқонларимиз 250 гектар ердаги ҳосилни машинабоп қилиб парваришладилар. 8 терим агрегати мавсумга барвақт тайёрлаб қўйилган. Бу агрегатларни 16 нафар малакали механик-ҳайдовчи бошқаради.

Ғўза дефолиацияси сифатли қилиб ўтказилди. **Бугун машиналар теримга киришади. 750 тонна пахта бункерлардан тўкилади. Ҳар бир агрегатда кунига ўртача 8—10 тоннадан пахта теришга эришилади.** Тожиддин Солиев, Валижон Ўроқов, Тожиддин Пирматов каби механик-ҳайдовчилар мавсумда 100—150 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар.

Йиғим-теримда **колхоздаги 125 нафар коммунист, 390 нафар ВЛКСМ аъзосининг авангардлик роли оширилади. Уларнинг аксарияти шу кунларда ғайрат кўрсатиб пахта термоқдалар.**

Колхозимизда истиқомат қилаётган ветеранлардан 60 нафари даладаги ҳосилни йиғиштириб олишда пахтакорларга ёрдамга чиқди.

Дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш янада яхшиланади. **11 та дала шийпонидаги кўчма боғчада тарбияланаётганларга марказлашган усулда икки маҳал сутли таом тайёрлаб берилади.**

Пахта нобудгарчилигига қарши муросасиз курашамиз.

Шундай қилиб, биз пландаги **2424 тонна пахтани 5 октябрга қадар давлатга топшириб, СССР Конституцияси кунини ёруғ юз билан кутиб оламиз. 2940 тонналик мажбуриятимизни эса республикамизнинг олтин тўйи ишонланадиган кунгача бажариб, юбилейга муносиб совға тайёрлаймиз.**

Тадбирлар колхоз правлениеси ва партия комитетининг 1984 йил 16 сентябрдаги қўшма йиғилишида қабул қилинган.

ЙИЛЛИК ПЛАН—10 ОКТЯБРГА!

Марказий Фарғона чўлларини гулистонга айлантириш учун астойдил курашаётган районимиз чўлқуварлари жонажон республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли 60 йиллиги кенг нишонланадиган йилда ҳар қачонгидан самарали меҳнат қилмоқдалар.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил декабрь, шу йил февраль ва апрель Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш, ўн биринчи беш йиллик план-топшириқларини сўзсиз бажариш ҳар бир комсомолободликнинг азми қарорига айланган.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йили учун белгиланган планлар халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида адо этилди. Айниқса, қишлоқ хўжалик ходимлари юбилей йилида катта меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Давлатга дон, пилла, ғўшт, тухум, жун, полиз маҳсулотлари сотиш йиллик планлари ортиғи билан бажарилди.

Пахтакорларимиз бу йил меҳнат активлиги янада ошган ҳолда кўтаринкилик, юксак уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб ишламоқдалар. Комсомолободлик пахтакорлар ҳосилга-ҳосил қўшиш ойи ҳисобланган августда зарбдорларча меҳнат қилдилар. Экин бир марта қондириб суғорилди, икки марта сифатли культивация қилинди. Ишчилар ғўзани оралаб, шамоллатиб турдилар. Буларнинг ҳаммаси зиммага олинган юксак мажбуриятни бемалол қоплайдиган даражада ҳосил яратиш имконини берди.

Шуни айтиш керакки, 16 сентябрга қадар мавжуд 14200 гектар ернинг ғўзаси дефолиация қилиб бўлинди. Эндиги асосий вазифа бутун ишчи кучи, техника воситаларидан юксак

КОМСОМОЛОБОД РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1984 ЙИЛ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ҚИСҚА МУДДАТДА, СИФАТЛИ ҚИЛИБ ИЙҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

унум билан фойдаланиб, катта меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишдан иборатдир.

Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, пахта тайёрлаш йиллик планини 10 октябрга бажаришга қарор қилдик. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқдик:

Районда пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказиш учун оммавий сафарбарлик эълон қиламиз. Пахта далаларида теримда 10 минг кишининг иштирок этишини, уларнинг ҳар бири кунига 70 килограммдан пахта теришини таъминлаймиз;

мавсумда деҳқоннинг суянган тоғи бўлган терим агрегатларидан самарали фойдаланамиз. **256 та терим машинасини икки сменада ишлатиб, ҳосилнинг камида 29 минг тоннасини «зангори кема»лар ёрдамида саранжомлаб оламиз.** Уларнинг унумини ошириш учун ипатоволиклар методи асосида иш ташкил қиламиз. Районда 33 та терим-транспорт отряди ишлайди;

бунинг учун ҳар бир терим агрегатига икки нафардан малакали механизаторлар ажратилди. Мавжуд техника воситалари барвақт ремонтдан чиқарилди ва улар пухта созланди. Терим пайтида механик-ҳайдовчиларнинг масъулияти оширилади.

Шунингдек, **терим агрегатларининг юксак унум билан ишлашини таъминлаш мақсадида 152 та техник қаров ўтказувчи, транспорт, маиший хизмат кўрсатувчи звенолар ишини намунали ташкил этамиз.**

Пахтанинг сифатига алоҳида эътибор берилади, уни териш, қуритиш, ташиш, токи заводдан тола чиққунга қадар бўлган ишлар устидан қатъий назорат ўрнатамиз.

Механизаторлар, теримчилар, бригадалар, бўлимлар ва совхозлараро социалистик мусобақани авж олдирамиз. **Мусобақа ҳар ўн кунликда якунланиб, ғолиблар кўчма Қизил байроқ, вимпеллар, қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланади.**

Партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни далага — қайноқ меҳнат қўйнига кўчирамиз. **Йиғим-терим пайтида 33 та муваққат партия группаси активлик билан иш олиб боради. Райондаги 176 та дала шийпони оммавий-сиёсий, маданий-маиший ишлар марказига айлантирилади. «Жанговар варақа», «Чақмоқ» ва бошқа ахборот воситаларидан самарали фойдаланамиз. Хўжаликларда 7 та агитбригада иш олиб боради.** Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминлаш мақсадида қулай шароитлар яратамиз. Мавсумий болалар боғчаларида тарбияланаётганлар учун қунига 5 минг порция сутли овқат тайёрлаб беришни таъминлаймиз.

Ана шу тадбирларни изчил амалга ошириб, **1 октябргача йиллик планнинг 70 проценти миқдорида пахта тайёрлаймиз. 10 октябрда эса йиллик пахта тайёрлаш планини бажариб, она-Ватанимизга 33550 тонна аъло сифатли «оқ олтин» етказиб берамиз.**

Республикамизнинг олтин тўйигача **42 минг тонналик социалистик мажбуриятимизни сўзсиз бажарамиз.**

Тадбирлар район қишлоқ хўжалик ходимларининг 16 сентябрда бўлиб ўтган кенгашида маъқулланган.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев 19 сентябрь куни Осиё ва Африка Ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари Алекс ла Гумани қабул қилди.

Дўстона суҳбат вақтида меҳмонга КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошираётган, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўраётган республика меҳнаткашларининг ишлари тўғрисида сўзлаб берилди. Республика ёзувчилари ўз асарлари билан тинчлик, халқлар дўстлиги олижаноб ғояларини қарор топтиришни ўзларининг бош вазифаси деб билаётганликлари, Осиё ва Африка адиблари билан алоқаларни доимо мустаҳкамлаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Шу кунларда республика ёзувчилари ижодий союзининг 50 йиллиги кенг кўламда нишонланмоқда.

Бизнинг ёзувчилар ҳаракати қатнашчилари, деди Алекс ла Гума, Ўзбекистон адибларининг уюшма фаолиятига қўшаётган ғоят катта ҳиссасини юксак қадрламоқдалар. Уюшма бундан чорак асрдан кўпроқ вақт муқаддам Ўзбекистон диёрида бунёдга келган эди. Биз Тошкентни ўз уйимиздек кўрамиз. Тошкент руҳи, тинчлик ва дўстлик руҳи прогрессив адибларнинг бутун планета халқлари бахт-саодати йўлидаги курашининг рамзи бўлиб абадий хизмат қилаверади.

Суҳбатда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. Азимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ А. А. УДАЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Александр Андреевич Удалов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси — О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари — Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил 19 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Б. С. ПАРМУЗИННИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт соҳасидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан ёзувчи Борис Сергеевич Пармузин Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси — О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари — Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри,
1984 йил 19 сентябрь.

БЕШ ЙИЛЛИК ГВАРДИЯЧИЛАРИ

КАДР ИШЧИЛАР ҲАР ҚАНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ УЗАГИГИНА ЭМАС, ИШЧИЛАР СИНФИМИЗНИНГ ИФТИХОРИ ҲАМДИР, УЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРГА ТАЯНИШ КЕРАК. МОҲИРОНА МЕҲНАТНИНГ ОБРУСИНИ — УМРБОД ЯШАЙДИГАН ЗАРГАРЛИК ИШИ ДЕБ АТАЛАДИГАН СИФАТЛИ ИШНИНГ ОБРУСИНИ ҚУТАРИШ ЛОЗИМ.

К. У. ЧЕРНЕНКО

ЗАМОНДОШИМИЗ

ТУРСУН СОЛИҲОВ

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ-РЕМОНТИ ЗАВОДИ ЙИҒУВЧИ-СЛЕСАРИ, III ДАРАЖА МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ НИШОНДОРИ

БАХТ ВА ОБРЎ МАНБАИ

Моҳир ишчи, коммунистик меҳнат зарбдори ўз корхонаси ва бригадаси ҳақида шундай ҳикоя қилади:

ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ:

1966 йилда Тошкентдаги 31-ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, инқилобий корхона ишчилари сафига қўшилди. Тўққизинчи, ўнинчи ва ўн биринчи беш йилликлар зарбдори. Бир қанча орден ва медаллар нишондори. Ўнлаб ёш ишчилар мураббийси, КПСС аъзоси.

АНИ кунларда серқуёш республикамиз ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топган куннинг 60 йиллик қутлуғ тўйини катта тантана билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Ўзбек халқида ажойиб бир азалий одат бор: тўйга тўёна билан борилади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати барча эл-элатлар, қардошлар ўзаро тинч-тотув яшаб, меҳнат қилишлари, юртимизда мўл-кўлчилик бўлиши учун барча чора-тадбирларни оғишмай амалга ошириб бормоқдалар. Очиғини айтганда, дўстлар, биз ҳам бунга ўз меҳнатимиз ва бутун маҳоратимизни тўла ишга солган ҳолда «лаббай» деб жавоб беришимиз керак.

Энг аввало — меҳнат интизоми биз учун қонун бўлиши шарт. Интизом бор жойда ишлар бир маромда бораверади. Мабодо, орангизда бирон киши сабабсиз ишга чиқмай қолса, у шубҳасиз, ўз ўртоқларидан тортинади, уялади. Коллективда ҳамма унга қараб тургандай бўлади. Буни мен коммунист сифатида ўз виждон амрим билан айтаяпман. Зеро, интизом бўлса, ўша ерда унум ҳам бўлади. Мана, масалан, бизнинг бригадани олиб кўрайлик. Бригадамизда шу кунгача бирон кишининг сабабсиз ишга кечикиб келганини билмайман. Ҳаммамиз бир тан-бир жон бўлиб, худди бир оила фарзандларидай ишлаб келаяпмиз.

Келгуси йили корхонамизнинг ташкил топганига 85 йил тўлади. Кўриб турибсиз, у шаҳримиз Тошкентда, қолаверса, республикамизда энг кекса ишлаб чиқариш масканларидан бири. Шунинг учун ҳам корхонамизни ўлкамизда «Инқилоб бешиги» дейишади. Бошқачароқ қилиб айтганда «ишчилар қўрғони» ҳамдир. Чунки республикамизда биринчи ишчи мастерскойлар худди шу заводда бўлганди. Дастлабки пўлат қуйиш ишлари ҳам шу ердан бошланганди. Хуллас, заводимиз тарихий манбаларга жуда бой. Тўғрисини айтганда мен заводимизни шунинг учун ҳам ардоқлайман. Бу ерда ҳозир ҳам бир қанча ветеран ишчилар ишлашади. М. Миродилов, А. Литкевич, С. Данченко, О. Маллаев, А. Ғуломов, А. Ғофуров, И. Иноятов сингари кекса ишчиларимизнинг корхонадаги меҳнат фаолияти 40—60 йилларни ташкил этади. Биз, ёшлар улардан ҳамиша ўрнак олиб борамиз. Улар заводимизни таъбир жоиз бўлса—елкасида кўтарган кишилар, ахир! Қолаверса, бир корхонада, бир цехда қирқ, эллик йиллаб ишлаш осонми? Мўътабар ёшга етганда ҳам ёшлар билан тенгма-тенг ишлашни айтмайсизми?

ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ:

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига олган социалистик мажбуриятини барвақт адо этди. У бошлиқ бригада юбилей йили социалистик мусобақасида пешқадамлик қилиб, саккиз ой якунида корхона кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

Энди икки оғиз бригадамиз ишлари ҳақида. Коллективимизда 12 ишчи бор. Улар турли миллат вакилларидир. Барчамиз бирдек тепловознинг асосий қисмларидан бири — радиаторларни ремонтдан чиқарамиз. Шунингдек, машинист кабинасига ўрнатиладиган ситиш қисмларини ҳам таъмир қиламиз. Август ойи планини муддатидан 3 кун олдин ортиғи билан, яъни 140 процент адо этдик. 90 дона радиаторнинг ремонтини бажариб, бригадамиз бўйича планга қўшимча қарийб икки минг сўмлик иш бажардик. «Коммунистик меҳнат коллективи» номини олган бригадамизда зарбдор Эргаш Содиқов, Турбан Сапаров, Фарҳод Зайкин каби ёшлар барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Ўз меҳнат фаолиятим ҳақида гапирадиган бўлсам, 1966 йили Тошкентдаги 31-ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, заводга слесарь-бўлиб ишга кирдим. Дастлаб бирмунча қийналдим. Чунки назарий билим билан амалий иш бошқа-бошқа экан. Лекин бригада бошлиғимиз, тажрибали ишчи Ҳалимжон ака Қосимов менга кўп кўмак берди. Билмаганларимни у кишидан тортинмай сўрадим.

Ишларим секин-аста юришиб кетди. Тўққизинчи, ўнинчи, қолаверса ўн биринчи беш йиллик марраларини муваффақиятли адо этиб келяпман. Жамоат ишларида фаол қатнашиб, бир неча марта цех касаба союз комитети аъзолигига сайландим. Завод партия ташкилотининг бюро аъзосиман. Ўн йилдирки, район ва шаҳар судларида маслаҳатчи сифатида иштирок этаман. Партия ва ҳукуматимиз орден ва медаллар, енгил автомашина билан тақдирлаган. ВЛКСМ ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетларининг Фахрий ёрлиқларини олганман.

Бригадамиз ҳам мусобақада ғолиб. Корхона бригадалари ва участкаларияро меҳнат беллашувида муттасил пешқадамлик қилиб, кўчма Қизил байроқ ва пул мукофотларига сазовор бўляпмиз. Меҳнат бахт ва обрў келтиради, у — ҳамма шон-шуҳратлар манбаи, дегани шуда! Орденли корхонамиз топган обрў-эътибор ҳам кураш ва ғалабаларга тўла меҳнат туфайли!

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ:

Коллектив меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент камайтириш ҳисобига бу йил қарийб 4 минг сўмлик иш бажаради. Машинист кабинаси, иссиқлик етказиб берувчи қисм — колориферлар ишлаб чиқариш топшириғи ортиғи билан адо этилади.

КАСБДОШЛАР СЎЗЛАЙДИ

К. ГНЕЗДИЛОВ,
Тепловоз цехи бошлиғи.

Цехимизда 12 та бригада бор. Кейинги йилларда уларнинг барчасини деярли қайтадан ташкил этдик. Бригада пудрати усулида ишлай бошладик. Тўғри, дастлаб айрим кишилар бу усулга кўниколмагандек бўлдилар. Лекин биз уларга янгича усулнинг афзаллигини тушунтириш билан бирга, амалда исботлаб ҳам бердик. Турсун Солиҳов бригадаси ишини мисол қилиб кўрсатдик. Кўп ўтмай цехимиз ишчилари ўз хоҳиш-истаклари билан пудратчи бригадалар сафига қўшилдилар. Самара ҳам кутилгандек бўлди. Илгари ойига 14-16 тепловоз секциялари топширган бўлсак, кейинчалик уларнинг сони 20-21 тага етди.

Шубҳасиз, эришилган бу ютуқларда Турсун Солиҳов, Қўчқор Қорабоев, Ҳалимжон Қосимов, Сотволди Мирзаахмедов сингари ўз иши усталарининг ҳиссаси катта бўлди. Масалан, Турсунни олинг. У ёш коммунист сифатида актив жамоатчилиги, ишбилармонлиги, тезкорлиги, яхши хулқи ва одоби билан коллектив ҳурмат-эътиборини қозонган.

Кечагина билим юрти талабаси бўлган ёш ишчининг орадан йиллар ўтиб, малакали слесарь бўлиб етишуви, цехдагина эмас, заводда обрў қозониши жуда катта гап. У бу ҳурматга осонликча эришмади. Ҳалол ишлади, ҳалол яшади. Баракали меҳнати, ғайратишижоати билан обрў орттирди. Қани энди, билим юртини тамомлаб ишга келаётган ёш ишчиларнинг ҳаммаси шундай бўлса! Мен ишчи деган қутлуғ ном эгаларининг барчасини ундан ўрнак олишга даъват этардим.

Ҳалимжон ҚОСИМОВ,
Йиғувчи слесарлар бригадаси бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори.

Турсун билим юртини битирибоқ бригадамизга ишга келди. Мўмин, камгап, аммо ишбилармон йигит экан. Тезда тилга тушди. Ўз ишини маромига етказиб бажаради. Бирон марта ишга кечикиб келганини билмайман. Дўстларига доимо ўрнак. Бамаслаҳат, фикрлашиб ишлайди. Ёқуббой Қиличев, Игорь Гончаров, Равиль Эркабоев, Сарвар Содиқов сингари кўплаб ёшларга устозлик қилди.

Унинг ажойиб ҳислатларидан яна бири жамоат ишларида фаоллигидир. Ана шуларни ҳисобга олиб биз уни партия сафига қабул қилдик. Коммунистик меҳнат зарбдори Турсун Солиховнинг меҳнат календарида аллақачон 1985 йил ҳисоби очилган. Турсун ва унга ўхшаш йигитларимиз жонкуярлиги туфайли бригадамиз ишлари чакки эмас. Планларимизни доимо юз фоиз адо этиб келяпмиз, юзимиз ёруғ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

ДАСТЛАБКИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Серқуёш Ўзбекистонимизда 3,5 миллион гектар суғорилади ган ер мавжуд. Ҳар йили ўрта ҳисобда яна 100 минг гектар ер ўзлаштирилмоқда. Ерларнинг унумдорлигини ошириш, пахта йиғим-теримда машиналарнинг кенг қўлланилиши механизация восталаларига талабнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Чирчиқ дарёси қирғоғида қад кўтараётган Тошкент мотор заводи қишлоқ хўжалигининг техника билан таъминланишида катта аҳамият касб этади. Завод 100 от кучига эга двигателлар, пахта териш ва бошқа хил машина-механизмлар учун моторлар етказиб берадиган бўлади.

Ҳозирги кунда ўнг қирғоқ бўйлаб юрсангиз, катта қурилиш майдончасини кўрасиз. У 100 квадрат метр майдонни эгаллаган. Мингдан зиёд бетон колонналар кўкка бўй чўзиб турибди. Ў ерда улкан механика-йиғув цехининг асосий корпуси тикланяпти. Енгил конструкцияли йиғма воситалар ёрдамида том усти ёпилмоқда.

Планга кўра, мотор заводи қурилиши икки йилда битказилиб, фойдаланишга топширилиши лозим эди. Аммо пахтачиликни ривожлантириш соҳасида республикамизнинг бақувват моторларга бўлган эҳтиёжи кундан кунга кўпроқ сезиляпти. Шуни ҳисобга олган ҳолда чап қирғоқдаги корпусларда шошилинч равишда корхонанинг дастлабки қувватларини вужудга келтириш ғояси илгари сурилди. 1983 йилда Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги бор имкониятларни ишга солиб, объект қурилишига киришди. Қурилиш штабида барча масалалар ўз вақтида аниқ ҳал этила борди. Бош пудратчи ташкилотлар, ишни бажарувчилар, таъминотчилар вазифаларини сидқидилдан адо этишди. Материалларнинг етказиб берилиши қаттиқ назорат остига олинди. Конструкцияларни пайванд қилишда монтаж ишлари йирик, йиғма комплектлар тарзида олиб борилди.

Натижа кутилганидан аъло бўлди. Биринчи навбат қурилиши анча барвақт тугалланди. Шу кунларда бу ерда двигателлар учун зарур бўлган 300 га яқин деталларнинг дастлабки турлари ишлаб чиқаришда. Конвейер линиялари йиғилмоқда, гальванизация блоклари созланаётир. Баъзи операциялар тажрибадан ўтказилмоқда. Ёш коллектив техника воситаларини, автоматлар программали бошқариладиган станокларни ўзлаштиришга киришди. Биринчи деталь механика цехининг айнан шундай дастгоҳида тайёрланди.

Ностандарт ускуналар цехи эса анча олдин фаолият кўрсата бошлади. Цех меҳнатчилари кўпгина асосий участкаларни жиҳозлаб бўлдилар. Масалан, бўяшқуритиш комплексининг барча камералари тахт ҳолга келтирилган. Асбобсозлик цехида ҳам ёрдамчи маҳсулотлар тайёрлана бошланди. Минск мотор заводидан вақтинча етказиб бериладиган деталларни йиғиш ускуналари ҳам тайёрлаб қўйилган. Министрлик кучи билан бу ерда ошхона, 200 ўринли ётоқхона бунёд этилди. Ёлғиз ва оилали ишчилар ундан жой олишди.

Йиғув цехида синов участкаларини монтаж қилиш ишлари жадал бормоқда. Дастлабки синовлар Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейи арафасида ўтказилмоғи керак. Шонли сана нишонланадиган кунларда қурувчилар ва фойдаланувчи ишчилар мажбуриятида таъкидланганидек, «ТМЗ» (Тошкент мотор заводи) маркали 100 от кучига эга двигателлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Завод қурилишининг иккинчи навбати ҳам муваффақиятли олиб бориляпти. Муҳим участкалардаги ишлар у ерда ўрнатилган саноат телевидениеси орқали бошқарилади. Қурувчилар асосий корпусларнинг устини беркитиш, деворларни тиклаш билан шуғулланишаётир. Айни вақтда бу ерда лойиҳачиларни ҳам учратиш мумкин. «Узгипроводхоз», «Узводпромпроект» институтлари, «Узоргтехстройлмелиорация» трести лойиҳачилари иситиш, вентиляция, сув билан таъминлаш системаси, канализация, электр ва саноат линиялари учун ҳамда алюминий қуймалари тайёрлаш цехи лойиҳаларини ҳозирлашмоқда. Қурувчилар, лойиҳачилар, технологларнинг бир вақтда иш юритиши фойдали, албатта, Бироқ зарур лойиҳа ҳужжатларининг тўлиқ комплектига эга бўлмай, таъминотчилар материал ва конструкциялар учун берилган буюртмаларнинг қайси бири илгари етказиб берилишидан хабар топмай туриб, қурувчилар ўз ишларининг навбатини белгилашда мушкул аҳволда қоляптилар.

Шунга қарамай, бош пудратчи ташкилотлар — Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва «Главташкентстрой» бўлинмалари юқори унумли меҳнат учун барча чораларни кўришаётир. Айниқса, бригада пудрати усулини қўллаш орқали қувончли ютуқларга эришилмоқда. 4-ихтисослашган кўчма колоннадан В. Василенко, В. Пономарев, 2 ва 3-колонналардан М. Пижучков, Г. Ли, Б. Ким ўртоқлар бошлиқ бригадалар ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилишяпти. Бу бригадаларда меҳнат унумдорлиги 107 процентни ташкил этди. Б. Ким бошлиқ коллектив аъзолари 300 процент иш бажариб, рекорд кўрсаткичларга эришяпти.

Маъмурий-маиший бинонинг ўнинчи қавати ҳам қуриб бўлинди. Б. Ким бригадаси аъзолари ригелларни пайванд қилишда материаллардан самарали фойдаланишяпти. Бир йил мобайнида бригада 2 тонна металлни тежаб қолди.

Мотор заводи қурилишида бир неча пудратчи ташкилотлар меҳнат қилишига қарамай, барча баҳамжиҳат, ғайрат кўрсатиб ишлаётир. Меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган. Ишларнинг 2-3 сменада ташкил этилиши яхши самара бермоқда. Барча бўлинмалар ягона мақсад — 1986 йилда ишларни ниҳоясига етказиш ва иккинчи навбатнинг биринчи комплексини фойдаланишга топшириш йўлида тер тўкишмоқда. Республикамиз тўйи кунида завод конвейеридан дастлабки двигатель чиқарилса, келгуси йилдан «Д—240Т» маркали тўрт цилиндрли двигателлар кўплаб ишлаб чиқарилади. Завод қуввати йил сайин ошиб боради. Унинг цехларида тайёрланган моторлар халқ хўжалигини ривожлантиришда асосий воситалардан бўлиб қолади.

Л. ГУРО,
Т. ШОЮСУПОВА,
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги матбуот маркази ходимлари.

ЮКСАК МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Иш жойларининг қўриқдан ўтказилиши «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим резерви бўлди. Инженерлардан иборат махсус комиссия ҳозирги талабларга мос бўлмаган иш жойларини аниқлайди, бу жойларни қайта жиҳозлаш тадбирларини ишлаб чиқиб, жорий этади. Чунончи, қўриқдан ўтказиш натижасида термогальваник цехи бутунлай ўзгариб кетди. Бу ерда қўл меҳнатини кескин равишда қамайтириш имконини берадиган бешта автомат линия ўрнатилди, меҳнат унумдорлиги 19 процент ошди. Темирчилик-пресс цехида ва бошқа цехларда ўтказилган кўрик ҳам катта самара берди. Бунинг устига бу тадбир новаторларни рағбатлантирди. Ишчи ва инженерларнинг 775 та рационализаторлик таклифи ва 58 та ихтироси бирлашмага қарийб 1 миллион 100 минг сўм пулни тежаш имконини берди.

19 сентябрь куни бирлашманинг асосий заводида бўлиб ўтган республика семинарида КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорлари асосида «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат самарадорлигини ошириш соҳасидаги тажрибаси муҳокама қилинди. Семинарда министрлик ва идоралар, саноат турли тармоқлари корхоналари бошқармалари ва бўлимларининг раҳбарлари иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

САЛОМАТЛИКНИ ҚЎЗЛАБ

19 сентябрь куни Тошкентда неврологлар Бутуниттифоқ илмий жамияти правлениесининг пленуми очилди. Пленумда СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси В. В. Серов, бошқа таниқли олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқдалар. Улар буйрак касалликлари профилактикаси, диагностикаси ҳамда уни даволаш соҳасидаги тажрибани икки кун мобайнида ўртоқлашдилар. Ўзбекистонда соғлиқни сақлашнинг ташкил этилиши билан танишадилар. Тошкентдаги бир қанча даволаш муассасалари ва илмий муассасаларни бориб кўрадилар. (ЎзТАГ).

САНОАТ НЕГИЗИГА

Академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида 18 сентябрь куни бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида мева, узум, картошка, сабзавот ва полиз экинлари етиштиришни янада интенсивлаш проблемалари муҳокама қилинди. Семинар-кенгаш қатнашчилари шу тармоқларни саноат негизига ўтказиш билан боғлиқ бўлган ва ҳали ҳал этилмаган масалаларга асосий эътиборни қаратдилар. Жумладан, янги машина ва механизмларни яратиш ҳамда мавжуд машина-механизмларни такомиллаштириш, уларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш вақтида қўл меҳнатининг ҳиссасини камайтириш борасидаги ишлар суръатини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

(ЎзТАГ).

«ЁЗГИ» ВАҚТНИ БЕКОР ҚИЛИШ ҲАҚИДА

СССР ягона вақт ва эталон частоталари давлат комиссияси маълум қилади: мамлакат аҳолисини вақт ҳисобининг ўзгаришига кўниктириш шароитларини енгиллаштириш, кунларни бир хил ҳисоблашни таъминлаш ва Европа мамлакатлари билан «ёзги» вақтни жорий этиш ва бекор қилиш мақсадида ҳамда кечаси транспорт иши интенсивлигининг камайишини ҳисобга олиб, бундан буён СССРда «ёзги» вақт ҳар йили март ойининг сўнгги якшанба куни кечаси соат 2 дан бошлаб жорий этилади ва сентябрь ойининг сўнгги якшанба куни соат 3 дан бошлаб бекор қилинади.

Шу муносабат билан Совет Иттифоқининг бутун территориясида «ёзги» вақт 1984 йил 30 сентябрь соат 3 да бекор қилиниб, соат мили бир соат орқага суриб қўйилади. (ТАСС).

● ИВАНОВО-ФРАНКОВСК

Коломийск районидаги «Горний» колхози фермаларни кенгайтирмаган ҳолда давлатга мол гўшти сотишни икки баравар кўпайтирди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг имкониятларидан фойдаланиш натижасида шундай бўлди. Колхозлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ ёрдамчи хўжаликларда новвослар сўқимга боқилмоқда. Бундай кооперация икки ёқлама катта наф келтирмоқда. Йил бошидан бери қишлоқ хонадонларидан қабул пунктларига 13 минг тоннадан кўп гўшт келди.

● ЧЕБОКСАРИ

Чувашиянинг Челкаси қишлоғида — Урмар районидаги «Россия» совхозининг марказий кўчасидан ўтган янги кўча Учительская кўчаси деб аталди. Бу ерда янги кўркам мактаб биноси ёнида педагоглларга аталган бир қанча бежирим уйлар қад кўтарди. Ҳозир автоном республикада ўқитувчилар учун уй-жой қуриш перспектив плани тузиб чиқилмоқда. 1990 йилгача колхоз ва совхозларнинг ёрдами билан камида 200 та шинам квартира қуриш мўлжалланади. Шундай қилиб ҳар бир педагог замонавий қулай уй-жой билан таъминланади.

● ВИЛЬНЮС

Литвада давлатга ғалла етказиб берилаётган колхоз ва совхозларнинг автомашиналари мавсумда бекор қатнаётгани йўқ. Улар қайтаётиб, ғалла эвазига берилган омихта емни фермаларга ташимоқда. Бу эса автотранспортдан фойдаланиш самарадорлигини анча оширмоқда, сушилка ва дон омборларининг тиқилиб кетишига йўл қўймаяпти ва чорва учун ғоят сифатли ем запасларини барвақт вужудга келтиряпти. Ҳар куни мингтадан кўп автомашина бўш қайтмаяпти.

(ТАСС).

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1984 йил 17 сентябрдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 326 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади. (ЎзТАГ).

БИЗНИНГ ШАРҲ:

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган завод коллективи ўз олдига қўйилган вазифаларни ортиғи билан адо этишга бел боғлаган.

Шуни қувонч билан айтиш керакки, кейинги пайтларда қолоқ корхоналар қаторига тушиб қолган завод йилнинг ўтган ойлари планларини ортиғи билан адо этди. Маҳсулот тайёрлаш топшириғи 104,6 процент бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 7 процент ошди. Бунинг ҳисобига 120 минг сўмлик маҳсулот қўшимча реализация қилинди. Халқ хўжалигига пландан ташқари 2 та тепловоз ремонт қилиб топширилди. Тортувчи электродвигателлар, дизель, электромашинаси тормоз колодкалари ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам ошириб уддаланди. Эришилган бу муваффақиятларга айниқса, тепловоз йиғув, электромашина, якорь (лангар), чўян қуюв, асбобсозлик цехлари коллективлари катта ҳисса қўшишди.

Корхонада меҳнатни ташкил этишнинг янги формаси — бригада пудрати кенг жорий этилмоқда. Натижада кўпгина бригада ва участкалар қисқа вақт ичида қолоқликдан илғорликка чиқиб олишди. Ҳозир заводда 55 бригада ягона наряд бўйича ишламоқда. Бу эса корхона ишчиларининг 60 процентини ташкил этади. Тепловоз йиғув цехидан Р. Ҳасанова, В. Соколова, электраппаратчилар участкасидан Г. Васильев, пўлат қуюв цехидан А. Абдураҳмонов, ремонт-қурилиш цехидан И. Иноятов, механика цехидан А. Аҳмаджонов ва бошқа кўплаб меҳнат илғорлари мусобақада олдинда боришяпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шу беш йилликда заводни реконструкциялаш ва уни техникавий қайта жиҳозлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Яқинда бу ерда янги ремонт-механика цехи тўла қувват билан иш бошлади. Ҳадемай кичик электромашина цехи ҳам ҳаракатга келади.

Завод йил бошидан буён 12 миллион 74 минг сўмлик иш бажариб, шунча миқдорда маҳсулот реализация қилди. Она-Ватан темирйўлларига тўла ремонтдан чиқарилган 173 та тепловоз секцияси етказиб берилди. Булардан ташқари анчагина пўлат, 6 минг 224 тонна чўян, шунингдек, 393 тонна рангли металл қуйиш ишлари бажарилди. 6 минг 770 дона ғалла шитлари, 42 минг сўмлик халқ истеъмол буюмлари тайёрланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги 0,94 процент ошди.

Октябрь революцияси номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тепловоз ремонти заводи республикамиздагина эмас, Ўрта Осиёда йирик темир йўл корхоналаридан бири. Биз, ўзбекистонликлар мамлакатимиз экономикасининг ғон томири — темир йўл тараққиётига ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан баракали ҳисса қўшаётган Тошкент тепловоз ремонтчилари билан фахрланамиз. Улар партиямизнинг муҳим топшириғи — меҳнат унумдорлигини планга қўшимча 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини пландан ташқари 0,5 процент камайтириш йўлида бундан буён ҳам астойдил тер тўкиб, корхонанинг инқилобий анъаналарини давом эттираверадилар.

Подборка материалларини «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири Абдусаттор БАҲОДИРОВ билан газетанинг махсус мухбири Номоз САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.

В. Молгачев фотоси.

Юксак мукофотлар

ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Берлин округ комитетининг биринчи секретари К. Науман ГБСП Марказий Комитети ва ГДР Давлат Кенгашининг топшириғига мувофиқ 18 сентябрь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришинга Карл Маркс орденини топширди. У ишчилар ҳаракатини марксизм-ленинизм принциплари асосида ривожлантириш ишидаги ҳамда тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун курашдаги жуда катта хизматлари учун ва туғилган кунининг 70 йиллиги муносабати билан ана шу мукофотга сазовор бўлди.

В. В. Гришин юксак мукофот учун ГБСП Марказий Комитетига, ГДР Давлат Кенгашига самимий миннатдорчилик изҳор қилди. У мазкур мукофотни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг жанговар отряди — Москва шаҳар партия ташкилотининг СССР билан ГДР халқлари ўртасидаги, Москва билан Берлин ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматларига берилган мукофот деб биламан, деди.

* * *

СОФИЯ, 18 сентябрь. (ТАСС). БХР Давлат Кенгаши Совет — Болгария дўстлигини ҳамда ҳар иккала қардош партия, мамлакат ва халқ ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришдаги хизматлари учун Вьетнамнинг олий мукофотига сазовор бўлди. В. В. Гришинни Георгий Димитров ордени билан мукофотлади.

* * *

ХАНОЙ, 18 сентябрь. (ТАСС). ВСР Давлат Кенгашининг Фармонига биноан В. В. Гришин Хо Ши Мин ордени билан мукофотланди. У ВСР билан СССР ўртасидаги дўстлик, жанговар бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишидаги катта хизматлари учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

* * *

УЛАН-БАТОР, 18 сентябрь. (ТАСС). МХР Буюк Халқ Хурали Президиумининг Фармонига биноан В. В. Гришин Сухэ-Батор ордени билан мукофотланди. У Монгол ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш, МХРП билан КПСС ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшганлиги учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

(ТАСС).

БУТУН КУЧ — ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШГА!

МАШИНАЛАР ГУЛДУРОСИ

РЕПОРТАЖ

Қарийб 20 гектарли майдонга бирданига «зангори кема» кирди. Машиналар сузиб ўтган эгатларда чаман-чаман ошоқ пахталар ўрнида қорайган чаноқлар ва тиш қўрсатган қўсаклар қолди. Эгатларга тўкилган ҳосил жуда кам. Механизаторлар Муродилла Неъматуллаев, Холхўжа Султонов, Аҳмад Эшонов машиналарини қандай созлаганликлари шунинг ўзидан маълум бўлди. Кемалар даланинг ўртасида сузиб борганида бирдан тўхташди.

— Нима бўлдийкин? —деди хавотирланиб звено бошлиғи Одил Аъзамов. — Картани теримга яхши тайёрлаган эдик-ку.

Учала терим машинасининг капитанлари келишиб олгандай кабинадан чиқиб, бункерга кўтарилишди. Деярли тўла бункердаги пахтани тепиб шиббалашди. Уларнинг ҳаракатини кўрган звено бошлиғи «ҳайрият-ей» деди енгил тин олиб. Бир соатча вақт ўтгач, пахта териш машиналаридаги ҳосил прицепларга тўкилди. Собитхон Эшонхўжаев бошлиқ учинчи бўлим пахтакорлари бу йил мўл ҳосил учун эрта кўкламдан яхши меҳнат қилишди. Чигитни вақтида экиб агротехника қоидалари асосида парваришладилар. Ҳар бир тупда тўрт-бештадан қўсак очилганда дефолиацияга киришилди. Барглари тўла тўкилган ғўзаларда ҳозир 10 тадан зиёд очилган қўсакни кўриш мумкин.

Шу пайт Эркин Мусаев прицепдаги пахтани тарозидан ўтказиб келди.

— Гектаридан 22 центнерданга тўпи келди, — деди у трактордан ирғиб тушаркан.

— Бу —яхши кўрсаткич, — деди бўлим бошқарувчиси. — Демак, иккинчи теримдаёқ звено планини уддалайди.

Шу куни бўлим механизаторларининг ҳар бири ўртача 4—5 тоннадан пахта терибди. Совхознинг бошқа бўлимларида ҳам машина терими бошланди.

Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхози пахтакорлари бугун ҳар гектар ердан 35 центнердан, жами 13 минг тонна пахта етиштириш учун курашмоқдалар. Улар ҳосилнинг 9 минг тоннасини машиналарда теришади. 3300 гектар майдон машина теримига ажратилган. Барча машина ва механизмлар сифатли ремонт қилинди. 55 та пахта териш машинасининг ҳар бири билан мавсумда 160 тоннадан пахта терилади.

Терим «дала— бункер— тележка — пункт» усулида олиб борилмоқда. 16 та терим-транспорт отрядида оммавий-сиёсий ишларни амалга ошириш, терим иштирокчиларига маданий-маиший шароит яратиш, нобудгарчиликка қарши курашни авж олдириш мақсадида муваққат партия группаси, халқ контроли постлари тузилди. Мусобақага ҳар беш кунда якун ясалмоқда. Совхозда ўтган йилги 60 процент ўрнига бу йил 70 процент пахта фақат биринчи сортга топширилади.

— Пахтачиликдан пландаги 6,5 миллион сўм ўрнига 7,5 миллион сўм даромад, 2 миллион 200 минг сўм соф фойда олишга эришамиз ва рентабеллик даражасини 45 процентга етказамиз, — дейди совхоз директори Еқубжон Каримов. — Пахтакорларимиз социалистик мусобақани кенг авж олдириб, пахта тайёрлаш планини 15 октябрга, социалистик мажбуриятни Октябрь байрамига қадар бажаришга қарор қилдилар.

Райондаги Ленин номли совхозда ҳам машина терими бошлаб юборилди.

А. НИЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОИЛАВИЙ ЗВЕНО МУВАФФАҚИЯТИ

Фарғона областининг Ленинград районида хушхабар тарқалди. Энгельс номли колхозининг Ҳабибахон Холмелиева бошлиқ оилавий звено аъзолари йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилгани ҳақида рапорт бердилар. 9,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 38,7 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» териб олишди. Пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди.

— Далаларимизда ҳали ҳосил кўп, — дейди звено бошлиғи Ҳ. Холмелиева.—Йиғим-теримни жадал суръатлар билан давом эттирмоқдамиз. Звеномиз аъзоларининг ҳар бири кунига 150—180 килограммдан пахта териб топширмоқда. Пешона теримиз маҳсули бўлган дурдонанинг чаноқларда қолишига, ерга тўкилишига, ифлосланишига, ҳом терилишига асло йўл қўйилмаётир. Теримчиларимиз бир-бирларининг ишларини доимо назорат қилиб бормоқдалар. Чаноқдаги ҳар бир мисқол пахта ҳисобдадир. Унинг исроф бўлишига асло йўл қўймаймиз.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган оилавий звено аъзолари қолган ҳосилни ҳам тезроқ йиғиб-териб олиш, қўшимча юксак мажбуриятни ҳам шараф билан бажариш учун курашмоқдалар.

Суратда: оилавий звено бошлиғи Ҳабибахон Холмелиева.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ).

ТАШАББУС МАЎҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон Компартияси Хоразм область комитети «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1984 йил 31 август сонида эълон қилинган Гурлан районидаги «Коммунизм» колхозининг пахта йиғим-теримини намунали ўтказиш юзасидан белгилаган тадбирларини маъқуллади. Обком қабул қилган қарорда район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область ва район агросаноат бирлашмалари ҳам хўжаликларнинг раҳбарларига пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича конкрет тадбирлар белгилаш, сўз билан иш бирлигини таъминлаш, социалистик мусобақани намунали ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Гурлан районидан хушхабар олинди. Ташаббускор «Коммунизм» колхози аъзолари теримни тезкорлик билан давом эттирмоқдалар. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Гулиммат Ҳайтимматов бошлиқ агроучастка далаларида кунига 10 тоннадан зиёд пахта териб олиняпти. Шарифа Искандарова, Тўлғаной Сафоева, Хатира Нурматовалар кунига 100—120 килограммдан «оқ олтин» териб, кўпминг килограммчилар мусобақасида олдинда боришмоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Республикамизда 19 сентябрга қадар 821,1 минг гектар майдондаги ғуза дефолциядан чиқарилди. Бу барча тўкилиши лозим бўлган мандоларнинг 52 процентини ташкил этади. Дефолциянинг тезкорлик билан олиб боришда пойтахт области механизаторлари ва авиаторлари ҳамон илғорликни қўлдан беришмаётир. Бу ерда йиллик план 117,8 процент бажарилди. Қорақалпоғистон автоном республикаси, Хоразм ва Навоий областларида ҳам ғузаларга дефолиантлар сепиш суръатлари оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда Қашқадарё, Фарғона ва Самарқанд областларида ғуза баргини тўктиришга етарли эътибор берилмаяпти. 19 сентябрда Фарғона областида 1,6 минг гектар, Қашқадарё областида 4,5 минг гектар ердаги ғуза ишловдан чиқарилди. Бу ҳол мазкур областларда иш қониқарсиз ташкил этилганлиги, меҳнат интизомининг сусайтириб юборилганлиги натижасидир.

ҚАДРЛИ ПАХТАКОРЛАР! Дефолация сифати ва суръатини ошириялик! Бу муҳим агротехник тадбирни уз вақтида тугаллаб, терим машиналари учун кенг иш фронти яратайлик.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИ

● **Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхозининг Тожиддин Қурбонов бошлиқ бригадаси заршуносларининг кунига 5 процентга етказиб пахта танёрлашга эришмоқдалар.** Бригадада ҳозир йиллик план 62 процент бажарилди. Пахтакорларга совхоз-техникум талабалари катта ёрдам беришмоқда. Ҳар бир теримчи кунига хирмонга 100 килограмм ва ундан ошириб пахта тўкишга эришяпти.

● **Янгиариқ районидаги Ленин номли колхознинг Абдушариф Абдуллаев бошлиқ бригадаси далаларида Ободон Қаландарова бошлиқ оилавий звено ибрат курсатиб ишламоқда.** 18 сентябрь куни О. Қаландарова қизлари Норгул, Нилуфар, Насиба ва ўғиллари Бахтиёр ҳамда Ихтиёрлар билан 700 килограмм юқори сифатли пахта теришга эришди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига 30 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган оилавий звенонинг шу кунгача уйган хирмони 4 тоннага етди.

● **Ингичка толали пахта теришда Қумқўрғон районидаги «Ўзбекистон» совхозининг чевар теримчиси Гулчеҳра Содиқова пешқадамлик қиляпти. У бир кунда хирмонга 200 килограммдан пахта тўкмоқда. Гулчеҳранинг мавсум бошидан бери тиклагай хирмони 2440 килограммга етди.** Денов районидаги Охунбобоев номли колхознинг теримчиси Робия Ғўраева иккинчи ўринда боряпти. Мансумда 15 тонналик хирмон уйиш мажбуриятини олган Робия кунига 190—195 килограммдан «оқ олтин» теришга муваффақ бўлмоқда.

● **«Қизил равот» совхозининг Усмонжон Турахонов бошлиқ бригадаси аъзолари Уйчи районида пахта танерлаш буйича энг юқори курсаткичга эришмоқдалар.** Бу ерда кунига планнинг 3,5—4 процента миқдорида пахта тайёрланяпти. Юбилей йили планини 25 сентябргача бажаришга аҳд қилган миришкорлар ҳозиргача йиллик планнинг 80 проценти миқдорида пахта тайёрлашга эришдилар. Бу муваффақиятга теримчилардан Ҳалима Турсунова, Турсунхон Холмирзаева, Ширмонжон Шоабдуллаевалар кунига 170 килограммга етказиб пахта териш билан муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

МАРРА — 60 ЦЕНТНЕР

● **Қизилтепа районидаги «Бустон» совхозининг Жўрақул Умаров бошлиқ звеноси коллективи йиллик планни бажарди.** Бу ерда 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олинди. Қабул пунктларига 56 тонна юқори сифатли хом ашё жўнатилди. Звено пахтакорлари ҳосилдорликни 60 центнерга етказишни кўзлашмоқда.

БУНКЕРЛАР БАРАКАСИ

● **Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхоз далаларига терим агрегатлари чиқарилди. Николай Адаменко, Козим Умиров, Абдунаби Маткаримов каби дала гвардиячилари дастлабки кунлеқ уз агрегатлари бункеридан 6—8 тоннадан пахта бушатдилар.**

ҒАЛАБА РАПОРТИ

НАВБАТ—МАЖБУРИЯТГА

В. И. Ленин 100 йиллиги номли совхоз бригада бошлиғи Ғожимурод Эргашевни ғалаба рапортини топшириб келаётган пайтида йўлда учратиб, бригаликда бригада аъзолари ҳузурига ошиқдик. Барчанинг юзида қувонч, табассум.

Юбилей йилида ғайратшижоат кўрсатиб, кўтаринки кайфият билан меҳнат қилаётган бригада азаматлари бугун областда биринчи бўлиб зафар маррасини эгалладилар. 90 гектар ердан қисқа муддат ичида она-Ватан хирмонига 126 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг 90 процентидан кўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди. Хирмонни юксалтиришга Гулсарахон Камолова, Ҳошимжон Мамадалиев, Давлатбек Рўзиматов, Соҳиба Рўзиматова ва Ойбек Абдувалиевлар катта ҳисса қўшдилар. Эрта баҳордан фидокорона меҳнат қилаётган бу азаматлар пахта йиғим-теримида ҳам алоҳида ғайрат кўрсатишмоқда. Уларнинг ҳар бири кунига 160—180 килограммдан пахта териб, шу кунга қадар 3—4 тоннадан ошириб хирмон уйдилар.

— Бир йилда икки йиллик планни бажариш билан, — дейди тажрибали пахтакор коммунист Т. Эргашев, — республикамизнинг 60 йиллик юбилейига муносиб совға қозирлайлик. Шу мақсад йўлида пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қиляпмиз.

Ҳали далаларда ҳосил мўл. Шуни ҳисобга олган ғолиб пахтакорлар мавсум охиригача яна 126 тонна «оқ олтин» хирмони кўтаришга аҳд қилишган.

Ҳ. МАДАТОВ,
Комсомолобод райони.

Чет эллларда

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ

КОПЕНГАГЕН. В. И. Ленининг Копенгагенда бўлиши хотирасига Вестерброгат кўчасидаги «Ленин уйи»да жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчисига ёдгорлик лавҳасини тантанали очиш маросими бўлиб ўтди. Ёдгорлик лавҳаси Владимир Ильич 1910 йилда Дания пойтахтида бўлган вақтида иккинчи қаватдаги хоналардан бирида турган бинога ўрнатилди.

Жаҳон пролетариати йўлбошчиси барельефи остидаги ёдгорлик лавҳасига дат тилида қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «В. И. Ленин 1910 йилнинг август-сентябрь ойларида II Интернационалнинг саккизинчи конгрессини Копенгагенда ўтказган вақтда шу уйда яшаган эди».

Маросимда Копенгаген шаҳар маъмурлари, Данияннинг бир қанча сиёсий партиялари, ёшлар ва жамоат ташкилотларининг номояндалари, Қаршилик ҳаракати ветеранлари, «Дания — СССР» жамиятининг аъзолари, шунингдек социалистик мамлакатлар элчиларининг ходимлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

СЪЕЗДГА ТАЙЁРГАРЛИК

ГАВАНА. Бу ерда Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. «Гранма» газетасининг хабар қилишича, мажлисда Куба коммунистларининг келгуси йил ўтказиладиган III съездига тайёргарлик, партия олий анжумани хужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар кўрилган.

(ТАСС).

ДАМАШҚДА ХАЛҚАРО ЯРМАРКА

Сурия пойтахти Дамашқда 31-халқаро ярмарка очилди. Ярмаркада Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина давлатларнинг вакиллари иштирок этмоқдалар. Анъанага кўра Совет Иттифоқининг экспозицияси Дамашқ ярмаркасида марказий ўринлардан бирини эгаллаган.

Сурия Араб Республикаси экономика ва ташқи савдо министри С. Ёсин ярмарканинг очилишида нутқ сўзлаб, Сурияннинг социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У мана шу алоқаларни бутун чоралар билан ривожлантириш ва кенгайтириш кераклигини ёқлаб гапирди. (ТАСС).

Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида

КОБУЛ. Афғонистон пойтахтида АДР Журналистлар союзи тузилган куннинг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ана шу жамоат ташкилоти ўз сафида 1200 кишини бирлаштиради ва мамлакатнинг ҳар бир вилоятида унинг бошланғич ташкилотлари бор.

Афғонистоннинг Жавзжон вилоятида шу афғон йилида юздан ортиқ янги курс саводсизликни тугатиш учун очилди. АДРда ялпи саводхонлик ҳаракати умуммиллий ҳаракатга айланди. Ҳозирги вақтда мамлакатда 14 мингга яқин курс ишлаб турибди. Революциядан буён ўтган давр ичида катта ёшдаги афғонлардан бир миллиондан ортиқ киши бу курсларни муваффақиятли тамомлаб чиқди.

Аммо демократик Афғонистон асрий қолоқликнинг оғир оқибатларини тугатиш учун ҳали кўп иш қилиши керак. Маълумки, Апрель революциясига қадар катта ёшдаги аҳолининг 90 процентидан кўпроғи ўқиш ва ёзишни билмас эди.

БАҒДОД. Шу кунларда Ироқ пойтахтининг ҳар бир районида қурувчилар ва ремонтчилар бригадаларини учратиш мумкин. Ҳамма жойда Бағдодни келажакда янада ривожлантириш юзасидан шаҳар муниципалитети тузиб чиққан программани бажариш соҳасида актив иш олиб борилмоқда.

Шаҳар маъмурлари яқин йиллар ичида қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ва коммунал хизматни яхши йўлга қўйиш учун 1,5 миллиард динордан ортиқ маблағ ажратдилар. Янги савдо марказларини очиш мўлжалланди. Уй-жой қурилишига катта эътибор берилмоқда. Дажла дарёсининг соҳилида ва янги қурилиш районларида уйлар қад кўтаради.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ВЕНА. Бу ерда Миллий кенгаш — Австрия парламенти қуйи палатасининг фавқулодда сессияси очилди. Австрия федерал канцлери Фред Зиновац бу сессияда депутатларни ҳукуматнинг янги состави билан таништирди. Маълумки, коалицион кабинетдаги ўринлар ўзгартирилганлиги натижасида янги ташқи ишлар министри, молия, маориф ва маданият, транспорт, оила ишлари министрлари тайинланди. Беш министрнинг ҳаммаси Австрия социалистик партиясининг аъзосидир.**

● **ТРИПОЛИ. Ливия пойтахтининг яқинидаги Тажур шаҳарчасида атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланишга бағишланган ҳалқаро семинар очилди. Семинарнинг ишида жаҳоннинг 26 мамлакатидан, шу жумладан СССРдан келган олимлар ва мутахассислар қатнашадилар.**

● **НЬЮ-ЙОРК. Касаба союз ҳаракатлари ва демократия учун курашувчи миллий марказ Қўшма Штатларнинг меҳнаткашларига мурожаат қилиб, Р. Рейганнинг АҚШ президенти лавозимига қайтадан сайланишига йўл қўймасликка чақирди. Бу ташкилот ҳозирги Вашингтон маъмурияти мамлакатни идора қила бошлаганидан буён ўтган тўрт йил якунларини тадқиқ этди. Ташкилот эълон қилган бу якунларда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Оқ уйнинг империалистик, милитаристик ташқи сиёсати, унинг ядровий урушга зўр бериб очиқ тайёргарлик кўраётганлиги Америка халқларигина эмас, бутун жаҳон халқларини ҳам ўлим хавфи остида қолдиради.**

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистон телевиденияси ўзининг 25 йиллигини нишонлади. Унинг юбилейи муносабати билан пойтахтдаги энг йирик залларнинг бири Сири-Фортда иккинчи телевизион программани очишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди бу маросимда сўзлаган нутқида бундай деди: телевидение мамлакатнинг экономикасини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. У Ҳиндистоннинг фан-техника тараққиёти ва ҳаётнинг барча соҳаларида социал ўзгаришлар йўлидан боришга, маданиятни юксалтиришга, миллий онгни мустаҳкамлашга ёрдам бериш лозим.**

(ТАСС, 18 сентябрь).

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 39-СЕССИЯСИ

ЗАМОНАМИЗНИНГ АСОСИЙ ПРОБЛЕМАСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

НЬЮ-ЙОРК, 19 сентябрь. (ТАСС). БМТ қароргоҳида энг муҳтабар ҳалқаро ташкилот—Бош Ассамблеянинг навбатдаги 39-сессияси очилди. Сессиянинг дастлабки кун тартибида 142 масала бор. Бу масалалар ҳозирги жаҳон проблемаларининг ҳамма жиҳатларини акс эттиради. Сессияда замонамизнинг асосий проблемаси — ядро уруши хавфини иқотиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш проблемасини муҳокама қилиш марказий ўринни олади.

Инсоният учун энг муҳим бўлган ана шу мақсадга эришиш билан боғлиқ масалаларнинг кўпчилиги Совет Иттифоқининг ташаббуси ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг қўллаб-қувватлаши билан БМТ анжумани муҳокамасига қўйилди. СССРнинг ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг хатти-ҳаракатлари мажбурий тус бериладиган муайян нормаларга бўйсуниши кераклиги ҳақидаги таклифи ҳалқаро майдонда ғоят кенг кўламда эътироф этилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессияси АҚШнинг айби билан кескин тус олган мураккаб ҳалқаро вазиятда ўтмоқда. АҚШ ўзини хўжакўрсинга «тинчликсевар» мамлакат қилиб кўрсатиб, ядро урушига тайёргарлик, кескинликни кучайтириш йўлини ўтказиб келмоқда. Вашингтон аслини олганда, бутун жаҳонга қарши «салб юриши»ни эълон қилди, терроризмни давлат сиёсати даражасига кўтарди ва ўзига ёқмаган ҳар қандай ҳукуматни йўқотиш, эълон қилинмаган уруш олиб бориш ва очиқдан-очиқ агрессия бошлаш «ҳуқуқи»ни даъво қилмоқда. Вашингтоннинг ана шу жуда хатарли сиёсати жаҳон ҳамжамиятини тобора қаттиқ ғазаблантирмоқда. Бу ҳамжамият ана шу сиёсатни кескин қораламоқда.

Биринчи ялпи мажлисда Замбиянинг БМТдаги доимий вакили П. Лусака бир овоздан сессиянинг раиси қилиб сайланди. У ўзининг кириш нутқида стратегик мувозанатни барқарор қилиш мақсадида ўзаро мақбул битимларни ишлаб чиқиш, қуролланиш пойгасини ва биринчи навбатда ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, уларнинг янгиланишига йўл қўймаслик ғоят зарур эканлигини таъкидлади.

Сессиянинг биринчи куни бир қатор ташкилий масалалар ҳал этилди. Ваколатларни текшириш комитетининг состави тасдиқланди. Бош Ассамблеянинг кун тартибидаги турли масалалар муҳокама қилинадиган бош комитетларнинг раислари сайланди.

ҚОНУНГА ХИЛОФ

ДАМАШҚ. Тель-Авив шу йилнинг охиригача босиб олинган араб территорияларида қонунга хилоф равишда яна бешта ҳарбийлаштирилган масканни барпо этиш ниятидадир. Меҳнат партиясининг раҳбари Ш. Перес шу ҳақда гапирди. Исроилнинг янги ҳукуматини тузиш шу кишига топширилган. Маҳаллий сиёсий обзорчилар таъкидлаб ўтганидек, Исроилнинг бўлажак кабинети бошлиғи бўлиши кутилган бу шахснинг ана шу гаплари Исроил сионист доиралари тутган йўлнинг экспансиячилик моҳияти ўзгармай қолаётганлигини тасдиқлайди. (ТАСС).

ЁЛҒОННИНГ УМРИ ҚИСҚА

ОЛДИН ЎЗИНГГА БОҚ...

Ҳар гал Ғарб тарғиботчилари, капитал оламининг корчалонлари ўз тузумларини кўкларга кўтариб мақтаб, социалистик тузумни бадном қилишга тушганларида «Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ» деган халқ мақоли беихтиёр ёдга келаверади. Капитализмни зўр бериб мақташ ва социализмни қоралаш жазаваси президент сайлови арафасидаги Қўшма Штатларда шу кунларда жуда авжига минган.

Сабаби — бўлғуси сайловда кўпроқ овоз олишга эришиш. Лекин какку какиллайвергани билан ҳаво ўзгариб қолмаганидек, ғарб корчалонларининг оғиз кўпиртиришлари билан капиталистик тузум иллаталари ва социализмнинг афзалликлари сира йўқ бўлиб қолмайди. Буни тарихга шундайгина назар ташлаган киши ҳам дарҳол пайқаб олади. Ахир, капитализм тузуми вужудга келганига юз йилдан ошиб кетди. Лекин жамиятнинг бойлар ва камбағалларга бўлинишига, бойларнинг янада бойиши, камбағалларнинг эса тобора қашшоқланишига хотима бергани йўқ. Ишсизлик, қашшоқлик, бошпанасизлик ва саводсизлик каби ижтимоий иллатлар шу тўзумнинг ажралмас йўлдошига айланиб қолди. Эндигина ярим асрдан сал ошаётган социализм тузуми эса бундай иллаталарга аллақачон барҳам бериб жамият аъзоларига турмуш даражасининг тобора юксалишини таъминлаб бераётир. Дунёда биринчи социалистик давлат— Совет Иттифоқи ва капиталистик оламнинг етакчиси — Америка Қўшма Штатларидаги ҳаёт тарзлари бу фикрларимизга ёрқин мисолдир.

Қўшма Штатлардаги сайловолди ваъзхонликларида республикачилар айниқса жонбозлик кўрсатмоқдалар. Гўё улар ҳокимият тепасига келгандан бери америкаликлар яхши яшайдиган бўлиб қолишган эмиш. Ваҳолонки, оддий америкаликлар бунинг тамомила аксини айтмоқдалар. Аҳоли ўртасида сўнгги марта ўтказилган савол-жавобларга биноан америкаликларнинг 62 фоизи Рейганни «бойлар президенти» деб аташди. Бундан ҳам кўпроқ одамлар Рейган маъмуриятини «меҳнаткашлар билан сира иши йўқ», деб айтдилар.

Дарҳақиқат, бу маъмурият ҳокимият тепасига келган 1981 йилдан буён 30 миллион америкалик ўз бошидан ишсизликнинг аччиқ аламини кечирди. Пулнинг қадрсизланиши, бинобарин нарх-навонинг ортиши оқибатида миллионлаб америкаликлар тўйиб овқат еёишдан маҳрум. Устига-устак буларнинг кўпчилиги турар жой ижара ҳақининг ниҳоятда қимматлигидан кулбаларда, ертўлалар ва ташландиқ жойларда кун кечиришга мажбур бўлмоқдалар. Рейган даврига келиб мамлакатдаги камбағалларнинг сони 35 миллион кишига етди. Аммо монополистлар роса бойиди. Фақат шу йилнинг биринчи ярми мобайнидаёқ улар олаётган фойда 25 фоиздан 50 фоизгача кўпайди.

Рейган маъмуриятининг меҳнаткашлар аҳволига қарамай ҳарбий-саноат эгаларини янада бойитишга қаратилган сиёсати қуролланишни зўр бериб авж олдираётганида ҳам яқол акс этиб турибди. Унинг бу телбанамо сиёсати фақат америкалик солиқ тўловчилар аҳволига эмас, балки кўп мамлакатлар халқлари турмушига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Рейган маъмурияти қуролланишни авж олдириш билан биринчи галда Совет Иттифоқининг «тинка-мадорини қуритиш» ва «эсанкиратиб қўйиш»ни мақсад қилиб қўйган эди. Гарчи мамлакатимизнинг мудофаа эҳтиёжлари жуда катта маблағлар сарфлашга мажбур қилаётган бўлса-да партия ва давлатимизнинг раҳбари Константин Устинович Черненко таъкидлаб айтганидек, «Меҳнаткашлар кенг оммасининг турмушини изчиллик билан яхшилаш—Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бош йўли бўлиб, буни ҳеч нарса бўшаштира олмайди». Хусусан шу сентябрь ойининг бошидан бошлаб мамлакатимизда бир қатор буюмлар ва дори-дармонларнинг чакана нархлари яна арзонлаштирилгани партиямиз ва Совет давлатининг меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш тўғрисида қилаётган доимий ғамхўрлигининг ёрқин намуналаридан биридир. Бу сўнгги бир ярим йил ичида тўртинчи марта қилинган арзонлаштириш бўлиб, булардан аҳоли бир йил ичидаёқ 9 миллиард сўмдан кўпроқ фойда кўради.

Бизнинг мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирлар биргина нархнавони барқарор сақлаш ва арзонлаштириш йўли билангина эмас, балки иш ҳақларини ошириш, пенсия ва нафақалар миқдорини кўпайтириш, уй-жой шароитларини яхшилаш ва бошқа қатор ижтимоий тадбирлар йўли билан ҳам амалга ошириб келинмоқда. Масалан, шу беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маошлари 169 сўмдан 185 сўмгача кўпайди. Юқори малакали ишчиларнинг иш ҳақи бундан анча кўпроқдир. Улар ойига ўрта ҳисобда 250 —300 сўмдан ва бундан ҳам ошириб маош олмоқдалар.

Бир вақтнинг ўзида халқ хўжалигининг айрим-айрим соҳаларидаги ишчи ва хизматчиларнинг ойлик маошларини ошириш тадбирлари кўрилмоқда. Сўнгги йилларда кўмир саноати, қатор конлар ишчи-хизматчиларининг, шунингдек, қишлоқ хўжалик ходимларининг иш ва меҳнат ҳақлари оширилди. Шу сентябрь ойидан бошлаб эса ўқитувчиларнинг ойлик маошлари 30 — 35 фоизга кўпайтирилмоқда.

Аҳолига оммавий равишда уй-жой қуриб бериш, турар жой ижара ҳақининг арзонлиги жиҳатидан биронта капиталистик давлат Совет Иттифоқи билан тенглаша олмайди. Эндиликда мамлакатимизда ҳар тўрт йилда бутун урушдан олдинги даврда қурилганига қараганда кўпроқ уй-жой қурилмоқда. Ҳар беш йилда 50 миллиондан кўпроқ кишининг уй-жой шароитлари яхшиланмоқда. Ахир бу Эрон ёки Туркия аҳолисидан кўп демакдир.

Халқ манфаати, унинг турмуш фаровонлиги ҳақида чинакамига қайғурган давлат унинг тинчлиги ҳақида ҳам қайғуради. Партия ва ҳукуматимиз совет халқининг тинчлигини бошқа халқлар тинчлиги ва осойишталигидан ажратиб қарамайди. Совет давлати фақат ўз халқимизнинггина эмас, балки бутун дунё халқларининг тинчлиги ва осойишталиги учун зўр бериб курашиб келаётганлиги ҳам ана шундан.

Донолар у ёки бу тузумнинг моҳиятига меҳнаткаш халқ манфаатига қанчалик сидқидиллик билан хизмат қилишига қараб баҳо бериш даркор, деб ўргатадилар. Чиндан ҳам ҳақиқий инсонпарварлик сайловолди ваъзхонликларида эмас, амалий ишларда билинади.

А. ДАВРОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ТОШКЕНТ ТАРОНАСИ ЭТАДИ ДАВОМ

Фестиваль қатнашчилари даврасы

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи арафасида Тошкентда яна бир янгроқ тарона ёзилди. Бу дўстлик ва қардошлик қўшиғидир. Асар муаллифлари ўн беш қардош республикадан ўлкамизга ташриф буюрган санъаткорлардир. Масалан, СССР Большой театрининг солисти, Совет Иттифоқи халқ артисти Евгений Райков Бухоро областида, шунингдек, Навоий шаҳрида концертлар бераётиб, мана шу янги таронага автордошлик қилган бўлса, Эстония опера ва балет театрининг солисти, СССР халқ артисти Ану Кааль Тошкент шаҳрида, Ғазалкент ва Янгиобод шаҳарлари санъат мухлисларининг даврасида ўз маҳоратини намойиш этаётиб, бу оригинал қўшиқ ёзилишига ҳисса қўшди. Молдавия ССР халқ артисти Михаил Мунтяну, Россия давлат рақс ансамблининг иштирокчиси Галина Касаткина, Г. Веревка номидаги Украина ССРда хизмат кўрсатган давлат академик халқ хорининг аъзоси Лидия Молотова, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист Роза Римбаевалар ҳам янги «Тошкент таронаси»нинг муаллифларидандир.

Уларнинг дил сўзларини тинглаб кўринг-а.

Е. Райков: Аввало анъанавий Тошкент фестивалида иштирок этганлигимдан беҳад мамнунлигимни таъкидламоқчиман. Учинчи бор ўтказилаётган бу санъат байрами мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айни вақтда кўп миллатли совет санъатининг равнақида ўзининг ёрқин изларини қолдираётир. Буни биз конкрет факт-мисолларда кўриб, қувониб, фахрланиб турибмиз. Бу галги фестивалда қатнашаётган аксарият санъаткорлар аввалги анжуманларда ҳам қиштирок этишган. Улар саҳналарда, томошабинлар даврасида сўз оларканлар, биринчи навбатда санъат байрамининг ана шундай аҳамиятини алоҳида таъкидлаяптилар.

Мен фестиваль репертуарини алоҳида таъкидлашни истайман. Қардошларимиз Тошкентга ўзларининг энг сара асарлари билан келишди. Программадаги асарларнинг аксарияти кейинги йилларда яратилган куй, қўшиқ ва рақслардир. Қардошларимиз классикага мурожаат қилишда ҳам ажойиб ютуқларга эришмоқдалар. Буни фестиваль репертуари ёрқин намойиш этди. Мана шу изланишларнинг хурсандчилиги сабаб бўлиб, ижод ҳақида, ижрочилик тўғрисида ҳамкасбларимиз билан яқиндан фикрлашиб оляпмиз. Партия ва ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга актив татбиқ этаётган бунёдкор халқимизга муносиб хизмат қилиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керакляги тўғрисида ҳам суҳбатлашиб олмоқдамиз.

А. Кааль: Фестиваль шарофати ҳақида гапирган дўстларимнинг гапига юз фойиз қўшиламан. Мана шу санъат байрами кунларида биз ўзининг қутлуғ 60 йиллик тўйига қизғин тараддуд кўраётган республикага ҳамнафас бўлиб турибмиз. Ўзбекистонлик қардошларимиз юбилейини ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олаётганликларини ҳар қадамда, ҳар бир меҳнат коллективи изланишлари мисолида, маданият масканларининг оригинал нафосатида ёрқин кўрдик. Масалан, мен Тошкент шаҳрига ҳавас билан қарайман. Шарқ машъали деб довруғ таратган бу шаҳр ўзининг бетакрор жамоли билан бу ерга ташриф буюрган барча-барчани бирдай ҳайратга солмоқда, десам хато қилмаган бўламан.

Ўзбекистоннинг одамлари ҳақида меҳр-муҳаббат билан сўзламоқ керак. Дўст деса жонини берадиган кишилар деб шундай инсонларни айтсалар керак! Мен буни Тошкент тўқимачилик комбинатида бўлганимда, Ғазалкент ва Янгиобод шаҳарларига борганимда яна бир бор қалбимдан ҳис қилдим. Иш жараёнида ўзига топширилган топшириқни бажарабгина қолмасдан, ҳам меҳнат ва ҳам ижодий ишлаётган, ҳаётдан ҳаловатини олаётган, ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини ҳаётбахш ишл